

## "TASRIF AL-AF'AL" WORK OF AL-MU'IZZI

*Ақбар Казакбаев,*

*Араб тили ва адабиёти ал-Азхар кафедраси катта ўқитувчиси,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

**Abstract:** Muhammad al-Mu'izzi's treatise "Tasrif al-Af'al", which is a part of a large science called the science of conjugation and occupies a large part, is devoted to the changes that occur in verbs in the Arabic language. Muizzi wrote the work in a classification method, dividing it into four large chapters. Chapters are divided into seasons, that is, groups. They are as follows:

I БОБ - “الأبنية تفصيل” ( феълларнинг тузилиш, ясалиш тафсилотлари) деб номланган бўлиб, ўз ичига 4 та фаслини олади. Биринчи фаслда феъллар ўзак таркибига кўра турларга ажратиб чиқилган. ал-Муъиззий феълларни الصحيح المتنوي المضاعف (тўғри, соғлом), (المثال), الأجوف (иккиланган), الباقي (лафиҳ), الناقص (етишмовчи), اللفيف (бўш) мултавий турларига ажратади ва ҳар бирига алоҳида таъриф беради.

Иккинчи фаслда феъл боблари ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Бошқа боб ёки фасллардан «مرتبة» (فارқли ўлароқ иккинчи фасл ўз ичига 4 та мардади) яъни босқични олган. Биринчи мартаба бўлиб, ўз ичига олти феъл бобини олади. Иккинчи мартаба «المرددة الثلاثية المزيدة» ўз ичига ўн икки бобни олган. Юқоридаги икки мартабада уч ундошли феълларнинг الرباعية (бобни келтирилган). Учинчи мартаба «المرددة الرباعية» бир бобдан иборат. Тўртинчи мартаба «المرددة الرباعية» эса уч бобни ўз ичига олган.

Учинчи фаслда феълланинг мажхул нисбатининг ясалиш йўллари ва ҳар бир бобнинг мажхул нисбатдаги шакли ва шу мавзуга тегишли мисоллар берилган.

Тўртинчи фаслда феълларнинг буйруқ шаклининг ясалиши усуллари, феъл турлари ва феъл боблари бўйича мисоллар келтирилган.

II БОБ - “التغيرات” (“Феълларнинг ўзгаришларидаги кўринишлари”) деб номланиб, 5 та фаслдан иборатdir.

Биринчи фаслда араб тилидаги феълларда бўладиган ўзгаришларнинг турлари идғом, қалб, таскин ва ҳазфдан иборат эканлиги келтирилиб, уларнинг ҳар бирига мисол келтирилган.

Кейинги фаслларда эса, яъни иккинчи фаслда идғом, учинчи фаслда қалб, тўртинчи фаслда таскин ва бешинчи фаслда ҳазф тушунчаларига ҳар бирига алоҳида тўхталиб, улар қандай ўзгаришларга олиб келиши, уларнинг келиб

чиқиши сабаблари, содир бўлиш ўринлари тўлиқ ёритилиб берилган ва мисоллар келтирилган.

III БОБ - “لِلْأَفْعَالِ الْوَاحِدِ خَواصٌ” (“Феъл суффиксларнинг хусусиятлари”) деб номланган мазкур бор ўз ичига 4 та фаслни олади.

Муаллиф биринчи фаслда феълларга қўшиладиган суффикс (қўшимча)ларнинг сони ва турларини келтиради.

Иккинчи фаслда тўғри ва иккиланган феълларга қўшиладиган қўшимчалар ва уларда содир бўладиган ўзгаришлар ҳақида сўз боради.

Учинчи фаслда бўш феълларга қўшиладиган қўшимчалар ва феълларда бўладиган ўзгаришлар келтирилган.

Тўртинчи фаслда ноқис феълларга қўшиладиган қўшимчалар ва мисоллар берилган.

IV БОБ - “الْوَاحِدِ إِلْحَاقٌ” (“Шахс-сон қўшимчаларининг боғланиш тафсилотлари”) деб номланган бўлиб, 8 та фаслдан иборат.

Биринчи фаслда муаллиф ушбу бобнинг номланиши, шахс-сон қўшимчаларининг ўтган замонда, ҳозирги-келаси замонда, мажхул ва аниқ нисбатларда, буйруқ майли шаклларидағи феълларга қўшилиши, феълларнинг тусланиш тартиби ҳақида маълумот беради.

Мазкур бобнинг кейинги фаслларида феълларнинг ўтган, ҳозирги-келаси замонларда ва буйруқ майлида тусланиши қўйидаги тартибда келтирилган: иккинчи фаслда тўғри феъллар, учинчи фаслда иккиланган феъллар, тўртинчи фаслда бўш феъллар, бешинчи фаслда ноқис феъллар, олтинчи фаслда лафиғ феъллар, еттинчи фаслда мултави феъллар. Саккизинчи фаслда эса “нун ат-таъкид” ҳақида маълумот берилади.

Ал-Муъиззининг асари тўртта катта бобга ажратилган бўлиб улар ўз навбатида фаслларга, яъни кичикроқ гурухларга бўлинган. Биринчи фаслда феълларнинг ўтган, ҳозирги-келаси замонларда ва буйруқ майлида тусланиш тартиби келтирилган. Иккинчи фасл тўғри феъллар, учинчи фасл икиланган феъллар, тўртинчи фасл бўш феъллар, бешинчи фасл ноқис феъллар, олтинчи фасл лафиғ феъллар, еттинчи фасл мултави феъллар ва саккизинчи фасл эса “нун ат-таъкид” мавзуларининг таҳлилига бағишлиланган.

Асарда феълларнинг турли бобларидағи шакллари, уларнинг ўтган ва ҳозирги келаси замон шакли, уч ундош ўзакли феълларнинг ва тўрт ундош ўзакли мазид феълларнинг боблари ҳақида ҳам фикр юритилади. Шу билан бирга, товуш илми (фонология) сарф илми билан боғлиқлиги, маҳражи

халқумдан чиқадиган олтита ҳарфнинг биронтаси феълнинг иккинчи ёки учинчи ўзак ундоши ўрнида келиши, ўрта ўзак ундошининг ҳаракати касра эмас фатҳа бўлишини талаб қилиниши мисоллар асосида исботланиб берилган.

Муъиззий араб феълларининг افعل، افعال ва .бобларини ўтимли бўлмаслигини айтиб ўтади افعال Муъиззий бу уч боб ҳақида фикр билдирганда уларни, бошқа сарф китоблари каби қўшилган зоида ҳарфлари сони билан эмас, балки ўтимлилик бўйича келтирганини кўришимиз мумкин.

Б. М. Гранденинг феъл боблари борасида келтирган қоидалари Ал-Муъиззийнинг “Тасриф ал-Афъал” асаридаги қоидалар билан солиштирилиб, 4 ундош ўзакли мазид феълларнинг IV боби «лом» ўзак ҳарфи билан ифодаланганлиги, бу борада аш-Шумуний ва ибн ал-Китай асослаб берган қолипидаги «ҳамзали алиф» билан ифодаланиши сабаблари тадқиқ қилинган. Шунингдек, Муъиззий келтирган феъл бобларининг қолипларини берилиши тартиби, улар бугунги кунда қилинган феъл бобларининг таснифланиш тартибидан фарқлангани ушбу мақолада илмий асосланиб берилган.

### **Адабиётлар:**

1. Kazakbaev, A. (2021). EXPLANATION OF THE VERBS OF THE FIRST CHAPTER IN «TASRIF UL- AF’AL» BY MUHAMMAD IBN ABI ALQASIM AL-MU’AZZI. Global Humanity Congress 2nd International Multidisciplinary Scientific Conference, (pp. 162-167). Spain.
2. Kazakbaev, A. (2020). THE LATEST TERMS THAT HAVE ENTERED THE ARABIC LANGUAGE THROUGH THE PROGRESS OF SCIENCE AND TECHNOLOGY. Archive of Conferences, (pp. 92-93).
3. Ал-Муъиззи, М. (1907). Тасриф ал-Афъал. Бухоро.
4. Гранде, Б. М. (1963). Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. Москва: Издательство восточной литературы.
5. Казакбаев, А. (2020). КЛАССИФИКАЦИЯ ТРУДОВ ПО ОПРЕДЕЛЕНИЮ ГЛАГОЛОВ. Archive of Conferences, (pp. 110-112).
6. Kazakbaev Akbar, (2019) Special Prepodavaniya Inostrannix Yazikov: Problems and Methods The Light of Islam: 2019 (4), 14.
7. Kazakbaev, Akbar. (2020) Seli obucheniya sinxronnomu perevodu / Issledovaniya molodix uchenix: materiali XIV mejdunar. nauch. conf. - Kazan': Molodoy ucheniy, 2020. s. 62–64.

8. Matibaeva Razia Baltabaevna (2020) USE OF SHORTS IN TRAINING EASTERN LANGUAGE Archive of Conferences, 9(1), 15–16.
9. Daminov B. (2019): Actual problems of the modern Arabic language *The Light of Islam*, 2019(4), 20.
10. Maxamadxodjaev, Baxrom (2020), "THE RISE OF TRANSLATION SCHOOLS IN CENTRAL ASIA," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 4, Article 10. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iau/vol2020/iss4/10>
11. Shukurov Yo.A. (2020) Innovasionnie metodi effektivnogo ispol'zovaniya taksonomii Bluma v formulirovanii seley obucheniya Issledovaniya molodix uchenix: materiali XIV Mejdunar. nauch. konf. (g. Kazan', noyabr' 2020 g.) Kazan': Molodoy ucheniy, 2020. S.
12. Dusmatov, S.T. (2019) Maxmud Zamakhshari i yego makami / Molodoy ucheniy. – 2019. - №52 (290). – S. 297-299.
13. Dusmatov Sanjar. (2020). THE GREAT ALLOMA OF KHOREZM. *Archive of Conferences*, 9(1), 90-91.
14. Dusmatov S.T. (2019): The Role of Mahmood Zamakhshari in the Development of Arabian Language Grammar естник современны исследовани., 2019. ом 4., 14-16.